

Муъоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Кишининг тун ичида ўқиган намози солиҳларнинг шиоридир», дедилар ва «Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур» оятини тиловат қилдилар».

Термизий «Иймон» бобида ривоят қилган ва саҳиҳ деган.

Фарз намоз бандани дўзахдан четлатиб, унинг жаннатга киришини таъминласа, кечаси ўқиладиган нафл намоз уни солиҳлар даражасига кўтаради. Кечаси туриб, бедор бўлиб, таҳажжуд намозларини бардавом ўқиб юрмаган киши солиҳлик даъвосини қила олмайди.

Ҳа, тун қаърида ғофиллар ухлаб ётганда уйқудан туриб, Робби ила муножотда бўлиб, таҳажжуд намози ўқиб, солиҳлар шиорини қоим қилган бандаларгина ўзлари учун яхшилик эшикларидан бирини очган бўладилар. Бундай бандаларни Аллоҳ таоло ҳам Ўз каломида мадҳ этган.

Шунинг учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Муъоз ибн Жабал розияллоху анхуга ўша ояти каримани тиловат қилиб бердилар:

«Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур».

Яъни ёнбошлари роҳат жойдан узоқда бўлиб, уйқудан туриб, намоз ўқиш билан машғул бўлурлар.

Дарҳақиқат, тунда уйқудан туриб, нафл намоз ўқиш кишини улкан фазлга эга қилади ва унга яхшилик эшигини очади.

Шунинг учун ўзига яхшилик эшиги очилишини истаган ҳар бир мўмин-мусулмон кечаси таҳажжуд намози ўқиб туришни одат қилиб олиши керак.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.